

22687

Ю 291

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ

У Ю Ш М А С И

Ш.Р.ХОЛМУМИНОВ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ

ЎСАМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ТОШКЕНТ - 1993

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИМАРИ ИШМИ-МАБРИФИЙ УЮШМАСИ

Ш. Р. ХОЛМУМИНОВ

БОЗОР ИҚТИСОДИЯТИ ВА АҲОЛИ БАНДИЛИГИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ТОШКЕНТ - 1998


Ушбу рисолада бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнатга  
лаёқатли аҳоли бандлиги самарадорлигини оширишнинг ва ишсиз-  
ликни камайтиришнинг асосий йўналишлари батафсил ёритилган.

Рисола аҳоли бандлиги муомалалари билан шуғулланувчи ил-  
мий ходимларга, аспирантларга ва талабаларга ҳамда кенг китоб-  
хонлар оmmasига муъжалланган.

Тажрибачи - иқтисод фанлари доктори, профессор ХУЖАЕВ Н.

10 22687  
29

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети



МУҶДАРИҶА

Муқаддима . . . . .	4
1. Бозор иқтисодиётига утиш даврида аҳоли бандли- гининг самарадорлигини оширишни аҳамияти . . . . .	4
2. Ҷумҳурият аҳолиси бандлиги самарадорлигини оширишнинг узига хос хусусиятлари, асосий ме- зонлари ва курсаткичлари . . . . .	7
3. Меҳнат ресурсларининг ижтимоий ишлаб чиқариш жабҳаларидаги бандлиги . . . . .	15
4. Хотин-қизлар меҳнатида фойдаланиш ва уларнинг бандлигини самарадорлиги . . . . .	22
5. Меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг самарадор- лигини ошириш йуналишлари . . . . .	26
Хулосалар . . . . .	29

## МУҚАДДИМА

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий мақсади аҳоли турмуш тарзини юксалтиришдан иборат. Бунинг учун бозор механизмларидан, тартибга солиб турувчи воситаларидан ва мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш зарур. Бу жараёнда жумҳуриятимизнинг сиёсий демография, иқтисодий, ижтимоий, миллий ва экологик ривожланиши хусусиятларини туғри баҳолашни керак. Ақс ҳолда, меҳнаткаш халқнинг ва зиёдиларнинг турмуш тарзини юксалтиришда жиддий ва ечилиши жуда қийин бўлган жумбоқларга дучор бўлинади.

✓ Иқтисодиётга бозор муносабатларининг кириб келиши, бандлик таркибни ҳам ўзгаришга олиб келди. Шу жиҳатдан аҳоли бандлигининг янги шакллари вужудга келмоқда. Бизга маълумки бозор муносабатларига ўтиш, бу кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш демакдир. Кишиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириши, унинг ижтимоий меҳнат фаолияти билан шуғулланишида ифода топади.

Демак, аҳолининг меҳнатга лаёқатлари қисмини ижтимоий меҳнат фаолияти билан шуғулланишини тўлиқ таъминлаш, улар меҳнатининг ёки бандлигининг самарадорлигини ошириш ҳозирги давр талабидир. Қачонки ҳар бир шахснинг самарадорлиги ошган тақдирдагина жамиятдаги аҳолининг бандлиги самарадорлиги ҳам ошади.

Шу жиҳатдан ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жумҳурият аҳолиси бандлигининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

## I. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ АҲАМИЯТИ

Жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик формалари орқали, ўзаро муносабатлар бу кучларнинг бирлашиши маълум механизмни вужудга келтириб жамият эҳтиёжларини қондириш ва инсониятнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Бу механизм ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ёки бозор механизми шаклида олиб

бориш кераклигини жаҳон амалиёти аниқ исботлаб берди.

Аҳоли ўз навбатида ҳам истеъмолчи, ҳам ишлаб чиқарувчи ролни бажариб, ўзининг сифат ва сон характеристикасини кўрсатиб, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишга ўз ҳиссасини қўшади, натижада мавжуд жамаятнинг миллий бойлигини, унинг қадриятлари иқтисодий ўсишини таъминлайди. Одатда ушбу кўрсаткичларнинг асосий мезони бўлиб бандлик асос булади. Бандликда ишлаб чиқариш муносабатлари намоён бўлиб, кишиларнинг иштироки яши миллий маҳсулот таркибини, унинг сонини ва сифатини ифода этади. Аҳолининг бандлигини қандай таъминлаш ундан фойдаланишга қараб кишиларнинг ижтимоий меҳнатдаги иштирокига қараб, жамаятнинг яратган миллий даромади вужудга келади. Ушбу миллий даромаднинг киши бошига тўғри келадиган улуши, мавжуд жамаят аъзоларининг турмуш тарзини, унинг қаровонлигини ва ниҳоят моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланиш даражасини белгилаб беради.

Бошқа тараққиёт босқичлари қаторида бозор иқтисодиёти даврида ҳам бандликда фақат унинг сон кўрсаткичлари эмас балки сифат кўрсаткичларига асосий эътибор қаратилади. Яъни аҳолининг таркиби, илмий-маълумот олиш даражаси ва системаси, фан-техника тараққиёти даражаси ва социал инфраструктуранинг ривожланганлик даражалари каби сифат кўрсаткичлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Бу каби сифат кўрсаткичларининг вужудга келиши аҳолининг сони, унинг таркиби, ўсиш суръати, умрининг давомийлиги каби кўрсаткичлари билан ҳам боғлиқдир. Демографик жиҳатдан аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми унинг самарадорлигида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Демографиянинг структураси бу жиҳатдан (аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми) асосий роль ўйнайди, яъни аҳолининг қанча содмоғи меҳнат қобилиятига эга эканлиги. Натижада ҳар бир иқтисодий фаол аҳоли, яъни ҳар бир меҳнат қилувчи учун кўпроқ "демографик оғирлик" (меҳнат ёшига етмагачилар ва қариялар) тушади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон жумҳуриятидаги иқтисодий фаол аҳоли учун 1,04 иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли тўғри келади. Яъни ҳар 100 киши учун узидан бошқа яна 104 киши учун меҳнат қилиши керак. Бу ҳолатни бошқа давлатлар билан таққослаб кўрсак, тўғрилиш даражаси кам бўлган Россия, Украина, Белорусь давлатларида ҳар

бир иқтисодий ғасл аҳоли учун, муайян равишда 0,75, 0,79 демо-  
график оғирлик туғри келади.

Кўшни Тожикистонда эса демографик оғирлик миқдори биздаги-  
дан ҳам юқори бўлиб - I, II кишини ташкил қилади. Бундан ташқари  
бандлик ишчи кучининг сифати билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бо-  
зор муносабатларида ишчи кучининг сифати нафақат унинг jisмоний  
ёки касбий-малака қобилияти билан эмас, балки индустриал меҳнат  
таърибаларига эга эканлиги, территориал жиҳатдан, социал ва меҳ-  
нат ҳаракати билан ҳам боғлиқдир. Шу жиҳатдан Ўзбекистондаги  
бандлик, таркибдаги ишчи кучларининг етишмаслиги, юқори ишчилар  
қўнимсизлиги, миграция даражасининг пастлиги, умумий ишлаб чиқа-  
риш аёллар бандлигининг кам миқдорда эканлиги, жумҳуриятдан ай-  
рим ишчиларнинг жўнаб кетиш каби ҳоллар бандликнинг жойлашуви  
ва ривожланишига ўз таъсирини утказмасдан қолмайди.

Аҳоли бандлиги ишловчиларнинг фаолият турига қараб меҳнат  
билан бирлашишнинг натижаси шаклида намоён бўлади. Бу жиҳатдан  
жамиятдаги ҳар шахс ўз имкониятлари чегарасида иш тутади.

Бундан ташқари аҳоли бандлигига таъсир этувчи омиллардан  
бири бу жамиятда мавжуд бўлган мулкчилик муносабатларидир. Шу  
давргача мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситаларига умумхалқ ва  
давлат мулки кишиларда мулкка бўлган ётлашувни вужудга келтирди.  
Жумҳуриятимизни бозор иқтисодиётига утиш муносабати билан банд-  
лик таркиби аста-секин ўзгариб бормоқда. Бу жиҳатдан кейинги  
икки йил мобайнида турли хил корхоналарнинг (кичик, кўшма, ху-  
сусий), фирма, концерн ёки биржаларнинг вужудга келиши, натижа-  
сида бандлик солмоғи ошиб бормоқда. Шу билан бир қаторда иқти-  
содий системадаги айрим эски ташкилотларнинг ёпилиши муносабати  
билан эса ишсизлик муаммоси ҳам мавжуддир. "Аҳоли бандлиги туғ-  
рисидаги қонун" бўйича бизнинг жумҳуриятимизда ишсизлар расмий  
тан олиндиб уларни қайта ўқитиш, иш билан таъминлаш ва ijтимоий  
ҳимоялаш тизимлари тузилиб уларга давлатимиз ҳар томонлама ёрдам  
бормоқда. Бундан ташқари аҳоли бандлигида "бандлик воситалари"  
ҳам катта урин тутади. Бундай воситаларга фан ютуқларининг иш-  
лаб чиқаришга жорий этиш туюнқилади. Бу ютуқларнинг жорий эти-  
лиши миллий даромад миқдори билан аниқланади ёки инвестиция

миқдори билан.

Инвестиция давлат томонидан, айрим шахслар ёки бўлмаса чет эл инвестицияси миқдори билан белгиланади. Умуман ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, жумҳуриятдаги иқтисодий тадбирларнинг асосини бандликни ошириш, кишиларнинг ижтимоий таъминотига қаратилганлиги ижобий ҳолдир. Шунинг учун ўтиш даврида аҳоли бандлиги жумҳуриятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга талаб қилади.

## 2. ЖУМҲУРИЯТ АҲОЛИСИ БАНДЛИГИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШНИНГ ўзига хос хусусиятлари, асосий МЕЗОНЛАРИ ВА КўРСАТКИЧЛАРИ

Ўзбекистон жумҳуриятининг бозор муносабатларига ўтиши олиб борилаётган ички ва ташқи сўёсатда аниқ намоён бўлмоқда. Ривожланган бозор муносабатидаги давлатларнинг ўтиш босқичи бизнинг жумҳуриятимиз учун тўлиқликча қабул қилишимиз мумкин эмас. Шунинг учун жумҳурият иқтисодиётини босқичма-босқич бозор муносабатига ўтказиш ҳозирги давр талаби эканлигини иқтисодий ҳолат ва ижтимоий аҳвол талаб қилмоқда. Ўтиш даврида ҳеч қандай давлатнинг таърибасини андоза сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бозорга ўтиш йўлини танлашда жумҳуриятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади.

✓ Шу жиҳатдан аҳоли бандлиги муносабатида ҳам жумҳуриятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сўёсат юргизиш лозим.

Хўш, бу жумҳуриятлар нимадан иборат экан? Аввало мбор асосий кўрсаткичлардан бири бу аҳолининг табиий ўсиш даражаси ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиё жумҳуриятлари ичида бу кўрсаткич жиҳатдан иқори ўрин тутади. Ўзбекистонда аҳоли сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, 1982 йилда аҳоли сони 21 млн.дан ошиб, ўртача йиллик ўсиш 20 фоизни ташкил қилди. Яъни кейинги 25 йил ичида республика аҳолисининг сони 2 баробарга (1967 йил аҳоли сони 10,7 млн кишига тенг эди) ошди.

Аҳолининг мана шундай ўсиш дунё миқёсида қисқаланган бўлса, Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсиши суръатлари ривожлана-



ётган мамлакатлар даражасига тенгдир. Ривожланган мамлакатларда эса ўртача йиллик ўсish 0,7% га тенгдир.

Аmmo шунн таъкидлаш лозимки, республикамиз аҳолиси сонинг ўсish суръатлари йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Масалан, 1970-1979 йиллар орасида ўртача йиллик ўсish 3,04% , 1980-1989 йилларда 2,63% ни ташкил қилган бўлса, кейинги 3 йилда бу кўрсаткич 1,45% га тушган.

✓ Аҳолининг бундай суръатлар билан ўсishi, жумҳурият меҳнат ресурсларининг сонини йилдан-йилга кўпайиши демақдир, бу эса ўз навбатида халқ хўжалигида аҳоли бандлиги сонининг ошиб бориши демақдир. Шу жиҳатдан ҳам йилга меҳнат ресурслари сoста-вита 430-450 минг киши кириб келади ва 100 минг киши атрофида меҳнат ёшидан чиқиб кетади. Умуман жумҳурият бўйича меҳнатга қобилиятли аҳоли 49,2% ташкил этади. Жумҳурият худудлари бўйича ҳам бу кўрсаткич турлича, айрим вилоятларда бу кўрсаткич 44-48,1% атрофида бўлса, Тошкент шаҳрида эса 60,2% гача ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар шунн кўрсатадики, жумҳуриятимизда меҳнат ресурсларининг ортиқчаллиги намоён бўлди. Бу эса уларни иш жойлари билан таъминлаш ёки халқ хўжалигида банд этиш муоммосини келтириб чиқаради.

I-жадвал бўйича таҳлил шунн кўрсатадики, 1990-1992 йиллари қишлоқ аҳолиси шаҳарга нисбатан ўрта йиллик ўсishiда 3,4 марта юқори.

✓ Жумҳурият аҳолиси бандлигининг яна бир хусусиятларидан бири бу қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлиги улўшининг юқорилигидир. 1991 йилда жумҳурият банд аҳолисининг, қишлоқ хўжалигида 41,5% и банд бўлиб жами миллий маҳсулотнинг 28,3% ини етказиб берган ёки бўл-маса 19,9 млд сўмлик миллий даромад етказиб берган. Бунга асо-сий сабаб аҳоли таркибининг юқори салмоғи яъни 59,7% қишлоқ жой-ларида яшати. Бу рақамлар шунн кўрсатадики, жумҳуриятнинг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етказиш билан банд. Бу жиҳат-дан ривожланган давлатларда тескари ҳолат мавжуд. Масалан: Япо-нияда 1987 йилда қишлоқ хўжалигида 8,0% , Францияда 7,5% ни, АҚШ да 6,7% ни ташкил қилган қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар. Шунинг учун жумҳуриятда бандлик таркибини аста секин ўзгартириб

Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси  
сонининг ўзгариши<sup>I</sup>

Йиллар	Аҳоли сони	Шу жумладан		Умумий аҳоли сони- да улуши	
		шаҳар аҳолиси	кишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолисини	кишлоқ аҳолиси
1970	11799	4322	7477	36,6	63,4
1979	15391	6348	9043	41,2	58,8
1980	15757	6452	9305	40,9	59,5
1989	19905	8111	11794	40,7	59,3
1990	20322	8282	12040	40,4	59,7
1991	20708	8344	12364	40,3	59,7
1992	21207	8483	12724	40,0	60,0
Ўртача йиллик ўсish сурати:					
1980-1979					
Йиллар					
минг киши	359,2	202,6	156,6	-	-
%	3,04	4,69	2,09	0,46	-0,46
1980-1989					
минг киши	414,8	165,9	248,9	-	-
%	2,63	2,57	2,67	-0,02	-0,02
1990-1992					
минг киши	295,0	67,0	228,0	-	-
%	1,45	0,81	1,89	-0,13	0,10

<sup>I</sup> Ҳисобланди: Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. - Ташкент: Узбекистан, 1991; 14 бет. Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1991 г. (стат. сборник) - Ташкент, 1992, 46-бет.

бориб, қишлоқ хўжалигидаги банд аҳолини аста-секин бошқа тармоқларга яъни саноатга, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиш, қишлоқларда фақат хом амё маҳсулотлари эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдаги корхоналарни вужудга келтириш лозим. Бундан ташқари бандлик таркибидаги аҳолининг ёши ва жинси ҳам катта аҳамият касб этади.

Жумҳуриятда хотин қизлар бандлиги жуда паст даражада. Банд хотин-қизларнинг қарийиб 77% қишлоқ хўжалигида банд, улар зиммасига оғир қўл меҳнатига асосланган ишлар юклатилмоқда. Халқ хўжалигида банд бўлган хотин-қизлар бутун банд аҳолининг 44% ёки бўлмаса 2501 минг кишини ташкил этади. 1991 йилда 1990 йилга нисбатан 2,2% га ошган. Бу жиҳатдан хотин-қизлар бандлиги алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, хотин-қизларимиз ишлаб чиқаришда қатнашиш билан бирга оила, турмуш ва болалар тарбияси билан шуғулланиши лозим. Айниқса жумҳуриятда оилاداги фарзандлар сонининг қўплиги жиддий қийинчиликларни вужудга келтиради.

2-жадвал

Марказий Осиё давлатлари ва собиқ Совет иттифоқи бўйича аҳолининг туғилиши, вафот этиш ва табиий ўсиш коэффициентлари<sup>1</sup> (1000 киши ҳисобида)

	Туғилганлар сони		Вафот этганлар сони		Аҳолининг табиий ўсиши	
	:1980й.	:1990й.	:1980й.	:1990й.	:1980й.	:1990й.
Собиқ Совет Иттифоқи	18,3	16,8	10,3	10,3	8,0	6,5
Марказий Осиё давлатларида	31,7	31,5	8,1	6,8	23,6	24,7
Шу жумладан:						
Ўзбекистон Республикаси	33,9	33,7	7,5	6,1	26,4	27,6
Қирғизистон Республикаси	29,6	29,3	8,4	7,0	21,2	22,3
Тожикистон Республикаси	37,0	38,8	8,1	6,2	28,9	32,6
Туркменистон Республикаси	34,3	34,2	8,3	7,0	26,0	27,2
Қозғоғистон Республикаси	23,9	21,7	8,0	7,7	15,9	14,0

<sup>1</sup> Ҳисобланди: Народное хозяйство СССР в 1990 г. Стат. ежегодник - М.: Финансы и статистика, 1991г. с.89.

2-жадвалдан кўришиб турибдики, аҳолининг туғилишини юқори-лиги туфайли Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари уртача табиий ўсиш бўйича олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда йилига 700 мингдан зиёд чақалок дунё юзини кўрмоқда. Туғруқ ёшидаги ҳар бир аёлга (15-49 ёш) 4-5 тадан фарзанд туғри келади. Бу юқори курсаткич бўлиб, қўшни давлатлар орасида фақат Туркманистон ва Тожикистонгина пастки ўринда туради. Бу рақамлар шунини кўрсатадики, бир томондан аёлларни ишлаб чиқаришда банд қилиш ортқчалик қилади. Ривожланган давлатларда бир тарбиячи аёлга 3-4 тадан ёш бола туғри келади, уларга иш ҳақи туланади, биздаги аёллар эса 5-6 фарзандни вояга етказиш билан бирга яна ишлаб чиқариш билан ҳам банд бўлиш аёлларни эксплуатация қилишнинг узидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида аёлларга тулиқсиз иш куни, қисқа иш ҳафтаси, жорий этиш уларни оғир қўл меҳнатига асосланган меҳнатдан озод қилиб, хизмат курсатиш соҳаларидаги ишларга йўналтириш лозим.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш жумҳуриятдаги маъжуд ёшлар зиммасига тушади, яъни 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган аҳоли Ўзбекистонда аҳолининг 26-28% ини ёшлар ташкил қилиб меҳнат ресурсларининг қарийиб ярмини ташкил этади. Шу жиҳатдан бу ёшларнинг билим даражаси бандликни сифат курсаткиччини белгилайди.

Ҳозирги даврда халқ ҳужалигида банд аҳолининг ҳар тўртинчиси олий ёки урта махсус билимга эга. Ушбу мутахассисларнинг ярмига яқини халқ ҳужалигининг ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат қилмоқда. Аммо бу соҳада жумҳуриятнинг ўз хусусиятлари намойён бўлади.

Саноат тармоқларининг айрим соҳаларида ерли аҳолининг улуши жуда ҳам паст даражада (асбобсозлик, электротехника саноати, металлострукция, электроника соҳаларида).

Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши юқорида айтиб утилган соҳаларда миллий кадрлар салмоғини оширишни талаб қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, жумҳуриятдаги эркаклар бандлиги ҳам ўз хусусиятларига эга. Кейинги йилларда илмий техника потенциалда эркаклар салмоғи пасайиб бормоқда. Асосан

эркаклар ҳуқуқий соҳада, умумовқатланиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида ишламоқда.

Саноат корхоналарида эркаклар 21,5% ташкил этади. Бошқариш органларида ҳам бу кўрсаткич юқори салмоқни ташкил этади. Ушбу жиҳатдан республикадаги мавжуд бандлик структурасида кескин ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Олдинги даврларда халқимизнинг бандлик таркиби асосан регионни ривожлантириш асосида аграр соҳага қаратилган. Жумҳуриятимиз собиқ СССРнинг хом ашёси базасига айланиб қолган эди. Хозирги кун талаби эса бундай структурани кескин ўзгартириш уни бозор муносабатларига мос равишда сиёсат юргизишни талаб қилади. Шунинг учун жумҳуриятимизда олдинги ишга жойлаштириш бўлимлари "Меҳнат биржа"ларига айлантирилган. Бу жиҳатдан уларнинг функциялари ҳам кескин ўзгармоқда. Аҳоли бандлиги сиёсати асосан жумҳуриятда саноатнинг юқори малака талаб қиладиган соҳалари (электроника, машинасозлик, автомобилсозлик)ни ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари тўқимачилик саноатининг тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарини, қишлоқ жойларида тадбиркорлик, фермер хўжалиқлари ва маҳаллий саноат корхоналарини вужудга келтириш ва уни ривожлантиришни талаб қилади. Бунинг учун биз юқорида таъкидлаб ўтган хусусиятларни инобатга олган ҳолда иш юритиш лозимдир.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдан асосий мақсади иқтисодиётга демократик усуллар билан раҳбарлик қилиш, собиқ иттифоқдош давлатлар ёки хорижий мамлакатлар билан самарали иқтисодий интеграцияга ўтиш, илмий-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш асосида жумҳурият ресурсларидан самарали фойдаланиш заминида аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир. Шу жиҳатдан ресурслардан самарали фойдаланиш, жумладан меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳам демакдир. Бу эса ўз навбатида аҳоли бандлигини янгича тизимини вужудга келтиришни талаб қилади.

Энг аввало меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашни ошириш ва аҳолининг кам даромадли табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш учун шароит яратиш йўли билан давлат томонидан аҳолини

ижтимоий жиҳатдан пишиқ таъминлашни таъминлаш керак.

✓ Бозор муносабатларининг ҳаётиимизга кириб келиши бутун иқтисодиётдаги каби аҳоли бандлиги сиёсатида ҳам туб ўзгартиришларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Бу соҳада бизнинг жумҳуриятимизда бандлик асосан режали ривожлантириш асосида таркиб топган эди.

Шу жиҳатдан иқтисодий ҷанларда, жумладан "меҳнат иқтисоди" да бандликнинг турли кўринишлари мавжуд эди. Ана шундай кўринишларнинг бири бу "тулиқ бандлик" тушунчаси. Тулиқ бандлик - маълум даврда бутун халқни меҳнат қилиш мажбурияти ва унинг социал-иқтисодий аҳамиятини касб этади. Бундай бандлик жамият аъзолари-га, ёши меҳнатга қобилиятли аҳолига тулиқ умумий фойдали меҳнат билан шуғулланиш имкониятини яратади. Бандликнинг бу кўриниши даврда ишсизлик деган категориянинг ёки бозор инфраструктурасининг аменти бўлган меҳнат бозори тушунчаларга ўрин бўлмайди. Лекин ҳар қандай давлат имкони борича тулиқ бандликка эришишга интилади. Ўтган даврларни кўриб чиқсак собиқ иттифокда ёки биз жумҳуриятимизда бу курсаткича эриша олмадик. Чунки жумҳуриятда ишчилар кўнисиалиги деган курсаткич бўлиб, бу узоқ даврга балки маълум йилларга ҳам тўзилиши мумкин эди.

Тулиқ бандлик тўғрисида йирик америка иқтисодчилари К.Р.Макконелл ва С.Л.Брю уларнинг "Экономикс" китобида қуйидагича ёзади: "Тулиқ бандлик деганда бунда биз, мавжуд керакли барча ресурслардан фойдаланиш, ишчилар ишсиз қолиш муаммосидан ҳоли бўлиши, иқтисодиёт барча ҳоҳловчиларни, меҳнат қилиш хоҳишини билдирганларни банд қилиш лозим. Бунинг учун ҳайдалган ерлар ёки капитал жиҳозлар ҳеч қачон буш қолмаслиги керак. Бунда Ҳақат лозим топилган ресурсларни ишлатиш лозим қонун бўйича болалар ва қариялар меҳнатдан фойдаланиш тақиқланган. Тулиқ бандлик жараёнида иқтисодиёт ишлаб чиқаришининг тулиқ халқига эга бўлади, бироқ шунинг ода тутиш керакли жамият ҳақат ўзинга керакли маҳсулотнигина ишлаб чиқариши керак".

Бундан ташқари иқтисодий асосийларда рационал бандлик тушунчаси ҳам мавжуд. Бу тулиқроқ тушунча бўлиб мавжуд меҳнат ресурсларининг тақсимланиши, қайта тақсимланиши, улардан фойдаланиш давомида уларнинг ишиси ва ёшини ҳисобга олиш, аҳолини

қайта такрор ишлаб чиқариш ва уларни худудлар бўйича жойлаштириш муаммоларини ҳал қилишни ўз ичига олади. Рационал бандлик самарали бандлик деган маънони билдирмайди. Чунки рационал бандлик доимо ҳам самарали бандликни бера олмайди. Бунга мисол қилиб жумҳуриятимиздаги янги замонавий саноат шаҳарларининг қурилиши ёки ёппасига қишлоқ аҳолисини ўзлаштирилган чўл зоналарига кўчириш. Чунки бу тадбирлардан мақсад бандликнинг структурасини ўзгартиришга қаратилган эди. Янги саноат шаҳарларида кўпинча маҳаллий аҳоли эмас, балки бошқа миллат вакиллари ишлаши ҳаммаиёга аниқ. Бундай шаҳарларга Навоий, Зарафшон, Учқудук, Ангрен шаҳарлари тўлиқ мисол бўла олади. Демак, самарали бандлик шундай бандликки, у рационал бандликнинг энг мақбул йўлини танлаш ва бу танланган бандлик ўз самарасини, натижасини аниқ кўрсатиши лозим.

Самарали бандликка эришилган ҳолда ҳар шахс имкониятларининг ошиши уларга қулай шароитларнинг вужудга келишини таъминлайди. Шахс томонидан танланган касб ва малака кўрсаткичлари доимо ўртача тармоқ кўрсаткичларидан устун бўлади.

Самарали бандликни вужудга келтиришнинг асосий элементи бу иш жойларининг функцияларини такомиллаштиришдан иборатдир. "Меҳнат ресурслари - иш жойлари" системаси бандликнинг асосий устуни ҳисобланади. Бундан ташқари самарали бандликнинг аниқ кўрсаткичи бу меҳнат унумдорлигининг ошиши билан белгиланади. Бу кўрсаткични ёқорилигига эришиш учун эса фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, ишчини маънавий ва моддий рағбатлантиришни таъминлаш, унинг ижтимоий шароитларини кафолатланишини таъминлаш **кўрсаткич**.

Бундан ташқари, ўта аниқ кўрсаткичлардан бири бўлиб яратилган миллий даромад миқдори ҳам бандлик самарасининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Агар аҳоли жон бошига қанчалик кўп миқдорда миллий даромад туғри келса, шу давлатда аҳолининг турмуш даражаси шунчалик ёқори бўлади. Ёқоридаги икки кўрсаткич бандликдан келадиган самаранинг натижасини аниқлатади.

Бундан ташқари бандликни ифода этувчи курсаткичлари ҳам мавжуд, булардан бири аҳолининг меҳнатга иштирок этиш курсаткичи, бу курсаткич меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш даражасини ифода этади. Яна бир асосий курсаткичдан бири ишчи кучининг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланиши, тармоқларда бандликнинг салмоғини курсатади. Бу улуш давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотида тугган ўрни маълум тармоқнинг ривожланиши учун мавжуд шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлади.

Умуман олганда бандликнинг қайси бир кўринишидан қатъий назар, давлат ўзининг халқини моддий фаровонлигини таъминлаши лозим, шундагина буни самарали бандлик деб атаёмиз. Халқ хўжалигида бандлик самарадорлиги унинг қуйи бугинлари самараси билан белгиланади.

### 3. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАҲАЛАРИДАГИ БАНДЛИГИ

✓ Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳоли бандлиги, уни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва шисезлик муаммоси энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун аҳоли бандлиги таркибининг вужудга келиши муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда аҳоли бандлиги энг аввало тарихий ҳамда демографик омиллар натижасида вужудга келади. Шу жиҳатдан Котляр З.А.нинг "Бандлик таркиби асосан ишлаб чиқаришнинг моддий буттали таркиби ва аҳолининг демографик таркибига асосланган ҳолда вужудга келади"<sup>1</sup>, деб таъкадлаши ўринлидир. ✓

Бизга маълумки иқтисодий-ижтимоий ривожланишда мулкчилик муносабатлари ишлаб чиқаришнинг бош мезониidir. Ушбу мулкчиликка бўлган муносабатга қараб ишлаб чиқариш усуллари ўзгариб келган. Шунинг учун кейинги йилда жумҳуриятнинг бозор муносабатларига ўтиш жараёни ҳам мулкчилик муносабатларининг туб ўзгаришига олиб келмоқда.

---

<sup>1</sup> Котляр З.А. Структура занятости населения: проблемы совершенствования. — М.: Наука, 1989, 22-23 бетлар.



Мулкчиликнинг турли шакллари иқтисодиётга кириб келиши ўз навбатида бандлик таркибини ҳам ўзгартириб юборади. Бу жараён бандликнинг янги формаларини вужудга келтиради. Агар олдинги даврларда бандликнинг асосий салмоғи давлат секторида мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда эса бандлик таркибида шахсий секторнинг ёки бўлмаса истеъмол кооперация секторида ҳам бандликнинг салмоғи ошиб бормоқда. Шу уринда ҳозирги кунда жумҳурият иқтисодиётидаги секторларда аҳоли бандлиги таркибини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқариш  
жабҳаларидаги меҳнат ресурсларининг бандлиги  
(минг киши ҳисобида)<sup>I</sup>

	1985й.	1990й.	1991й.	Ҳамага нисба- тан удуши, %
Халқ ҳўжалиги 6-га жами	6619,1	7940,8	8322,7	100,0
Давлат сектори	4758,6	5211,1	5379,1	64,6
Кооператив секторида	1207,8	1544,9	1537,7	18,4
Шу жумладан:				
а) жамоа ҳўжаликларида	1019,0	1085,4	1185,6	14,2
б) истеъмол кооперациясида	188,8	235,7	218,9	2,6
в) товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш коопера- тивларида	-	223,8	132,2	1,6
Индивидуал секторда	687,8	1184,8	1405,9	17,0
Шу жумладан:				
деҳқон ҳўжалигида	-	3,1	5,2	6,2
Шахсий ёрдамчи ҳўжалик, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятида	2,8	13,4	25,4	10,8


<sup>I</sup> Ҳисобланди: Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1991г.  
(стат.сборник) - Ташкент, 1992, 55-бет.

Агар 3-жадвални таҳлил қилсак қуйидаги хулосаларга келамиз. Ҳумхуриятдаги жами банд аҳолининг 64,6% давлат секторида, 18,4% кооператив секторда ва 17,0% эса шахсий секторда бандлиги кўриниб турибди. Шу билан бирга ушбу секторларда аҳоли бандлиги 1990 йилга нисбатан 1991 йилда ўз навбатида давлат секторида 3,2% ошганлиги, кооператив секторда эса 0,5% қисқарганлиги ва шахсий секторда 18,6% ошганлиги маълум бўлади. Аҳоли бандлигини кооператив секторидagi бандликнинг энг асосий қисми яъни 77,1% и жамoa хўжаликларидa, 14,2% и эса истеъмол кооперациясида ва 8,5% товар ва хизмат кўрсатиш кооперативларига тўғри келади. Шунн таъкидлаш лозимки товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш кооперативлари 1985 йилда умуман ҳеч қандай салмоғга эга бўлмаган, шу билан бирга 1991 йилда бу соҳа 1990 йилга нисбатан 41,0% қисқариб кетган. Бунинг асосий сабаби мавжуд кушлаб кооперативлар кичик ёки хусусий корхона тусини олишидир. Шахсий сектордаги аҳоли бандлиги таркиби кескин ўзгарган 1991 йилда 1990 йилга нисбатан 18% га ошган, жумладан деҳқон хўжалиги 67,7% кўпайган ваҳоланки 1985 йилда бандликнинг бу таркиби умуман ҳеч қандай кўрсаткичга эга бўлмаган эди. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар сони ҳам уларда банд аҳоли ҳам йилдан-йилга охиб бормоқда, жорий йилда унинг кўрсаткичи 17,7% ошган. Бундан ташқари яқна тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланувчилар сони 1991 йилда 1985 йилга нисбатан қарийиб 9 бараварга ёки 1990 йилга нисбатан эса 89,5% кўпайганлиги кўриниб туради.

Бундан ташқари аҳоли бандлигининг тармоқлар бўйича тақсимланиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бизга маълумки бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд меҳнат ресурсларини мақсадга мувофиқ ҳолда халқаро меҳнат тақсимоти талабларига асосан аҳоли бандлигини таъминлашни талаб қилмоқда. Бу иқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аҳоли бандлиги таркибида кўшмоқ хўжалигида банд аҳоли энг иқори улушни ташкил қилади.

Бу жиҳатдан аҳоли бандлигини халқ хўжалик тармоқлари бўйича тақсимланиши аҳоли бандлигининг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Демак, Ўзбекистонда банд аҳолининг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ҳам тақсимланишида ўзига хос хусусиятлари мавжуддир.



Таҳлил шуни кўрсатадики, аҳоли бандлигининг энг юқори салмоғи яъни 41,5% қишлоқ хўжалиги ҳисобига туғри келади, бу кўрсаткич 1991 йилда 1990 йилга нисбатан 5,5% ошганлиги маълум бўлади. Бунинг асосий сабаби биз юқорида таъкидлаганимиздек жумҳуриятда аграр соҳанинг ривожланишидир. Саноат ишлаб чиқаришида жами аҳолининг 22,6% и банд бўлиб, бу кўрсаткич олдини йилга нисбатан 6,3% қисқарган бу аҳоли бандлигидаги салбий ҳолатдан биридир, бундай қисқаришнинг асосий сабаби кейинги йилларда жумҳурият саноатидаги корхоналарнинг бошқа давлатлар билан бўладиган иқтисодий шартномаларнинг бузулиши, нарх-навонинг ошиши ҳамда хом-ашё етказиб келишининг оғирлиги натижаси деб биламиз. Бундан ташқари жумҳурият истеъмол бозорига қарийиб 60% халқ истеъмоли моллари, асосий воситалар чөл эл ёки қўшни давлатлардан келтирилади. Шунинг учун иқтисодиётда саноат тармоғини ривожлантириш ҳозирги бозор иқтисодиётининг талабидир. Бошқа тармоқларда ҳам халқ хўжалигидаги бандлик таркиби ўзгариб бормоқда, жумладан, алоқа ва транспортда жами аҳолининг 4,8% банд бўлгани билан бирга бу кўрсаткич 1990 йилга нисбатан 4,0% қисқарган, савдо, умумий овқатланиш ва моддий техника таъминоти ҳамда маиший хизматда аҳолининг 5,7% банд бўлиб бу кўрсаткич ҳам 1990 йилга нисбатан 1,8% қисқарган. Бундан ташқари жумҳуриятдаги социал соҳанинг оғирлигига қарамай, аҳоли бандлиги 1990 йилга нисбатан 1,1% қисқарганлиги ва умумий бандликда 19,6% ни ташкил қилиниши 1991 йилда халқ хўжалиги тармоқларида йиллик ўртача ишчи ва хизматчилар сони ошиб борган. Бу кўрсаткич бутун халқ хўжалиги бўйича 3,6% ошганлиги маълум бўлади. Энг асосий тармоқ бўлган қишлоқ хўжалигида эса 3,6% ошган, саноатда 4,7% ошгандир. Юқоридаги таҳлилдан кўришиб турибдики, фақат транспортда 1,0%, алоқада 0,4%, ҳисоблаш ахборот хизматида 6,4%, саноатда 2,3%, фан ва илмий хизматда 7,4% қисқарганлиги маълум бўлади. Бу қисқаришлар асосида жумҳуриятда ишсизлар категориясининг келиб чиқиши ва меҳнат бозорини вужудга келиши тақозо этади. Аҳоли бандлигига ижобий таъсир ўтказувчи, меҳнаткашларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда меҳнат бозорининг аҳамияти каттадир. Бозор муносабатларининг иқтисодиётга кириб келиши меҳнат

бозорини мавжуд бўлишини асос қилади. Шу жиҳатдан меҳнат бозорининг органик ташкилий қисми бўлган меҳнат биржаларининг фаол иш олиб бориши натижасида бандликни абсолют миқдори охиб боради. Жумҳуриятимизда 1991 йилда аҳоли таркибидаги меҳнатга лаёқатли ёшга тулиши, олий ва ўрта махсус таълим билим юрларини тугатиши ёки армия сафидан, ҳамда янги иш топиш мувосабати билан 262,3 минг киши ишга жойлашган, бироқ бу кўрсаткич 1990 йилга нисбатан 7,6% га қисқарган.

Агар 1990 йилда мурожаат қилганларнинг 97,8% ишга жойлашган бўлса 1991 йилда эса бори-йўри 88,5% и жойлашган умуман мурожаат қилганлар сони олдинги йилга нисбатан 50% қисқариб кетган. Бироқ меҳнат фаолияти билан шугулланмаган шахслар миқдори 16,4% қисқарган. 1990 йилда мурожаат қилганларнинг 90,1% банд бўлган ва укувчилар ташкил қилган бўлса 1991 йилда эса 83,4% ини ташкил қилгандир. Демак, мавжуд ҳолат жумҳуриятда янги иш жойларини, янги турдаги корхоналарни очишни талаб қилади. Бунинг учун чет эл инвестициясини кириб келиши натижасида кўпма, кичик ёки хусусий корхоналар сонини ва уларда банд бўлиши мумкин бўлган аҳоли сонини ошириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш лозимдир.

Жумҳурият аҳолиси бандлигини яққол текшириш учун уни фақат сон кўрсаткичини эмас балки сифат кўрсаткичини ҳам таҳлил қилишни тақозо этади. Агар аҳоли бандлиги қанчалик юқори бўлиши билан, жами ижтимоий маҳсулот, миллий даромад ёки меҳнат унвдорлиги кўтарилиш: урнига камайса унда самарали бандлик мавжуд деб айта олмаймиз.

Ҳозирги даврга келиб жумҳурият қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш потенциали йилдан йил ўсиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз аجدоқлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги, республика аҳолисига хос хусусиятдир<sup>1</sup>.

Бундан ташқари қишлоқ жойларда табиий ўсишнинг юқорилиги, оилаларда фарзандлар сонининг кўпчилиги, миграциянинг пастлиги, қишлоқ хўжалигини меҳнат ресурслари билан таъминлашни тезлашти-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 й. 12-бет.

ради. Шунинг учун ҳам мавжуд қишлоқдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини урганиш муҳимдир. 1991 йилда жумҳурият қишлоқ хўжалигида II млд.сўмлик маҳсулот етиштирилган, шунинг 6,7 млд. сўми деҳқончиликда, 4,3 млд сўми чорвачиликда етиштирилган. Бундан ташқари 971 та жамоа хўжалиги, 1137 та давлат хўжаликлари, 1869 фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Шундай қилиб ушбу хўжаликлардаги ишчи кучидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигидаги аҳоли бандлигини ошириш керак. Биз аҳолини истиқомат қилишини кўриб чиқсак жумҳурият аҳолисининг 60% и қишлоқ жойларда яшайди. Юқорида кўриб ўтганимиздек банд аҳолининг 41,7% қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Бу кўрсаткич йилдан-йил ошиб бормоқда. Жумҳурият қишлоқ хўжалигидаги банд бўлганларнинг уртача йиллик сони 1991 йилда 1990 йилга нисбатан 93,6 минг кишига ёки булмаса 4,4% га ошган. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишловчиларнинг 53,4% асосан жамоа хўжаликларида банд бўлган. Улар 1991 йилда 1990 йилга нисбатан 5,9% ёки булмаса 65,5 минг кишига ошган, давлат хўжаликларида ишловчиларнинг салмоғи эса 45,9% ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич ҳам олдинги йилга нисбатан 3,0% га ёки булмаса 30,6 минг кишига ошганлигидан далolat бериб турибди. Қишлоқ хўжалигидаги банд аҳолининг таркибида хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналари 0,2% ни ташкил қилиб бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 16,8% камайганлиги кўриниб турибди. Бу ўтган даврда жамоа хўжаликларида мавсумий ёлланиб ишловчилар салмоғи ҳам йилдан-йил ошиб бормоқда.

Бу кўрсаткич 1991 йилда 0,4% ни ташкил қилган бўлиб олдинги йилга нисбатан 9,4% га ошган.

Жумҳурият қишлоқ хўжалигидаги бутун банд аҳолининг 89,7% бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар, қолган 10,3% бошқарув, ташкилий ва бошқа соҳаларда бандлиги билан ажралиб туради. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек жумҳуриятдаги аҳоли бандлигининг самарадорлиги, қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлиги самарадорлиги билан белгиланади. Агар қишлоқ хўжалигидаги банд аҳолининг сон жиҳатдан ошиб боришини самарали бандлик деб тушунсак нотўғри ҳисобланади. Шунинг учун биз қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар деҳқондан ёки ҳар бир ходимдан келадиган меҳнат нати-

жаларини кўришимиз лозим. Бундай кўрсаткич улар етиштирган ҳо- сил ёки маҳсулот билан улчанади. Шунинг учун жумҳурият қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ҳолатини кўриб чиқамиз.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасини ўзга- риши (% ҳисобида)<sup>1</sup>

	:1985 = 100 %		:1991 йилда
	:1990 й.	:1991 й.	:1990 йилга нисбатан % да
Ўзбекистон жумҳурияти	110,3	95,7	86,8
Қорақалпоғистон жумҳурияти	136,7	105,4	77,1
Андижон вилояти	100,3	86,7	86,4
Бухоро вилояти	115,6	124,8	89,1
Жиззах вилояти	138,8	126,1	90,8
Қашқадарё вилояти	139,1	130,1	93,5
Навоий вилояти	60,4	51,3	85,0
Наманган вилояти	101,3	89,2	88,0
Самарқанд вилояти	93,9	78,7	83,1
Сурхондарё вилояти	95,2	83,0	87,2
Сирдарё вилояти	117,5	101,0	85,9
Тошкент вилояти	105,9	88,0	83,2
Фарғона вилояти	105,0	91,5	87,1
Хоразм вилояти	118,2	107,7	91,2

4-жадвалдан кўриниб турибдики, жами жумҳурият бўйича 1991 йилда 1990 йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги қишлоқ хўжалигида 13,2% га қисқарган.

1991 йилда 1990 йилга нисбатан бутун вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон жумҳуриятида қамайганлиги яққол кўриниб турибди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика ва истиқболни белгилаш комитетининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

Айниқса, бу кўрсаткич қуйидаги вилоятларда жуда юқори, жумладан Қорақалпоғистон жумҳуриятида 22,9%, Самарқанд вилоятида 16,9% га, Тошкент областида ҳам 16,8% ва ҳоказо.

Шунинг учун ҳам жумҳурият аҳоли бандлиги таркибини тубдан ўзгартириш лозим, бунинг учун қишлоқ хўжалигида бажариладиган қўл меҳнатини камайтириш натижасида бун қолган меҳнат ресурсларини сансоат ёки маҳсулотларни қайта ишлаш соҳаларида бандлигини таъминлаш лозимдир. Қишлоқ жойларда социал соҳага тегишли корхоналар сонини кўпайтириш натижасида ҳам бандлик таркибини ўзгартириш мумкин.

#### 4. ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ САМАРАДОРЛИГИ

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида, аҳоли бандлиги самарадорлигини ошириш, унинг барча категорияларини меҳнатга жалб қилиш билан соғлиқ. Шунинг учун ишлаб чиқаришда нафақат эркеклар балки аёллар меҳнатидан ҳам тулиқ фойдаланиш лозимдир.

✓ Жумҳуриятда хотин-қизлар бандлиги жуда паст даражада. Халқ хўжалигида банд хотин-қизларнинг қарийиб 77% қишлоқ хўжалигида банд, улар зиммасига оғир қўл меҳнатига асосланган ишлар қўлатилмоқда. Халқ хўжалигида банд булган хотин-қизлар бутун банд аҳолининг 44% ини ёки бўлмаса 2501 минг кишини ташкил этади. 1991 йилда 1990 йилга нисбатан 9,3% га ошган. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий алоқалар, шунингдек аёлларнинг иш билан бандлиги борасида ҳам туб ўзгаришлар ясаиди. Мавжуд қонун ва қондаларнинг ўзгариши эса меҳнат фаолиятида аёллар ўрнини ўзгартириб юборади. Чунки, меҳнат, ҳаёт йўлининг ташкил топишида, инсон қобилиятларини очиб бериш ва уларни оширишда ҳаёт фаровонлигининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

✓ Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишсиз аёллар ишчи кучига булган талаб ва тақлифга қараб тақсимланиши табиий. Бу жиҳатдан хотин-қизлар бандлиги алоҳида аҳамият касб этади. Чунки хотин қизларимиз ишлаб чиқаришда қатнашиш билан бирга оила, турмуш ва

болалар тарбияси билан шуғулланади. Айниқса жумҳуриятда оиладаги фарзандлар сонининг кўплиги жиддий қийинчиликларни вужудга келтиради. Ўзбекистонда бир аёлдан туғилган болаларнинг сони 4-5 тани ташкил этади.

Ўзбекистонда етти нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган оналарнинг сони 1980-1991 йиллар ичида 213 минг кишидан 255 минг кишига кўпайди. Шу сабабли аёлларнинг уйдаги фаолияти ва шахсий ҳужалиқда бандлиги нисбатан юқоридир. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда аёлларнинг жамоа ишлаб чиқаришдаги бандлиги жуда юқори деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун аёлларни жамоа ишлаб чиқаришга жалб қилиш муаммоси долзарб бўлиб қолаверади. Бу эса хизмат кўрсатиш ва ноинлаб чиқаришдаги қоникарсиз муҳит ҳамда мактабга-ча болалар муассасалари яхши ривожланмаганлиги туғайли ҳам бир қатор қийинчиликларни туғдиради.

Жумҳуриятда аҳоли таркибидаги болалар улуши бошқа собиқ иттифокдаги давлатларга нисбатан юқори кўрсаткичларни кўрсатади. Жумҳуриятда болалар боғчалари билан таъминланиш даражаси жуда ачинарли ҳолда бўлиб бу бор-йўғи 34-35 фоизни ташкил қилади. Шунга қарамасдан жамоа ишлаб чиқаришга 1000 аёлни жалб қилиш учун болалар боғчаларида 750 урин яратиш керак. Болаларни боғчага ва яслиларга жойлаштиришнинг иложи йўқлиги нафақат аёллар бандлигига таъсир кўрсатади, балки улар меҳнатининг самарадорлигига, баъзи ҳолларда мутахассис аёлларнинг қўнмасизлигига олиб келади. Хотин-қизларни жамоа ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг асосий йўлларида бири уйга иш олишни ривожлантириш, тула бўлмаган иш кунда ишлашни йўлга қўйишдир.

Ҳозирги пайтда ҳам оила, ҳам жамият манфаатларини оқилона мувофиқлаштиришни кўзда тутадиган, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласи жумҳуриятимизда биринчи даражали вазифалардан ҳисобланади.

Мулкчиликнинг ва меҳнат фаолиятининг турли шакллари жумладан қасаначиликни кенг жорий этиш йўли билан бу масалани ҳал этиш мумкин. Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда қасаначиликка талаб анча ошган. Ўзбекистондаги иш билан банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳлаган 528 минг кишининг 55,6 минг нафари, яъни 10,5 фоизи ка-



саначилик билан шуғулланиш истагини билдирганлар.

Меҳнат фаслиятининг бу шаклидан фойдаланиш биринчидан, жум-хуриятимизда ўткир бўлиб турган иш билан бандлик муоммосини ҳал этиш имконини беради. Иккинчидан, у ёки бу сабабларга қура ишлаб чиқаришда бевосита иштирок эта олмайдиган кишилар учун меҳнат қилиш имкони яратилади.

Учинчидан, касаначилиннг маоши оила бюджетига қўшимча бўлиб, даромаднинг ошишига олиб келади ва аҳолининг ишга бўлган талаби қондирилади.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг халқ ҳўжалигида банд бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар (минг киши ҳисобида)

	1980й.	1985й.	1990й.	1991й.	1991 йилда 1980 йилга нисбатан, % ҳисобида
Жами мутахассислар	1080,9	1385,0	1650,0	1678,0	155,2
Шу жумладан аёллар	521,5	686,8	842,0	860,0	164,9
Аёллар салмоғи	48,2	49,5	51,0	51,2	106,2
Умумий мутахассислар сонидан:					
олий маълумотлилар	530,0	669,2	775,0	790,0	149,0
шулардан аёллар	230,6	304,0	362,0	370,0	160,5
аёллар салмоғи % да	43,5	45,4	46,7	46,8	107,6
ўрта махсус маълумотлилар	550,9	715,9	875,8	888,0	161,2
шулардан аёллар	290,9	382,8	480,0	490,0	168,4
аёллар салмоғи % да	52,8	53,4	54,8	55,1	104,4

Ушбу 5-жадвални таҳлил қилишдан, шу нарсалар аён бўладики, 1991 йилда 1980 йилга нисбатан халқ ҳужалиғида жами мутахассислар 55,2% га ортган яъни 597,1 минг кишини ташкил этган.

Шу жумладан аёл мутахассислар 1980 йилга нисбатан 1991 йилда 64,9% га, яъни 338,5 минг кишига ортган. Бундан қўринадики халқ ҳужалиғида банд бўлган жами мутахассисларнинг таркибидати аёл мутахассисларнинг салмоғи 1980 йил 48,2% ни ташкил этган бўлса 1991 йилда эса 51,2% ни ташкил этди.

Демак, халқ ҳужалиғида аёл мутахассисларнинг салмоғи эркак мутахассисларнинг салмоғидан юқори ва аёл мутахассислар тайёрлаш йил сайин ортиб бормоқда. Халқ ҳужалиғида банд олий маълумотли мутахассисларни таҳлил қилганда қуйидагиларни аниқлади. Жами мутахассислар ичиди олий маълумотли мутахассислар 1991 йилда 1980 йилга нисбатан 49,0% га, яъни 260 минг кишига ортган. Олий маълумотли мутахассислар таркибиди аёл мутахассислар 60,5% га яъни 140 минг кишига ортган.

Олий маълумотлилар таркибиди аёллар салмоғи 1980 йилда 43,5% ни ташкил этган бўлса, 1991 йилга қелиб 46,8% ни ташкил этган. Демак, олий маълумотли мутахассислар таркибиди олий маълумотли мутахассис аёллар салмоғи ошиб бориши кузатилмоқда. Ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш 1991 йилда 1980 йилга нисбатан 337,1 минг кишига, яъни 61,2% га ошган.

Шу жумладан ўрта махсус маълумотли аёл мутахассислар 1991 йилда 1980 йилга нисбатан 199,1 минг кишига, яъни 68,4% га ошган. 1980 йил ўрта махсус маълумотли аёл мутахассислар салмоғи 52,8% ни ташкил этган бўлса, 1991 йилда эса 55,1% ни ташкил этди.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш бақатгина аёллар малака даражасини оширишнинг етарли эмаслигини ва уларнинг меҳнатига ва моддий рағбатланишига мос иш жойларини қўпайтиришни ҳам тақозо этади. Булар эса хотин-қизлар бандлиги самарадорлигини оширишни таъминловчи воситалардир.

## 5. МЕҲНАТГА ЛАЙҚАТЛИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУНАЛИШЛАРИ

Аҳолини иқтимоий меҳнат билан банд бўлиши, ундан самарали фойдаланиш ҳозирги кунда энг асосий муоммолардан бири ҳисобланади. Жамиятда қанчалик аҳоли меҳнат билан банд бўлса, бу жамият аъзоларининг ҳам моддий ҳам маънавий эҳтиёжларини қондирилишига олиб келади.

Шу жиҳатдан жумҳурият меҳнат ресурсларининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун биз икорида ҳозирги кундаги бандлик даражасини, унинг ҳолатини урганиб чиқдик. Демак, аҳоли бандлиги самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишлар бажарилиши лозим. Жумҳуриятдаги бандлик таркибини, унинг халқ ҳужалигидаги улушлар миқдорини тубдан ўзгартиришни таъминлаш керак.

Энг асосий эътибор қишлоқ ҳужалигидаги банд аҳолини аста-секин бошқа тармоқларга, жумладан саноатнинг қайта ишлаш, енгил саноат, машинасозлик соҳаларига, аҳолига хизмат кўрсатувчи социал соҳаларга силжишини ва бу соҳаларда аста-секин банд аҳолининг салмогини ошириб бориш керак.

Энг аввало қишлоқ аҳолисини бандлигининг янги форма ларида иштирок этишини таъминлаш лозим. Дунё амалиётида қишлоқ ҳужалигидаги банд аҳоли умумий аҳолининг кам қисмини ташкил қилади. Бундай ташкил қилган салмоқ ҳам фақат ишлаб чиқариш билан эмас, балки тадбиркорлик, соҳибкорлик, воситачилик ишлари билан бандлик хусусиятига эга.

Буни биз қуйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин.

Ушбу 6-жадвалдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қишлоқ ҳужалигида банд аҳолининг қўлчилик қисми қишлоқ ҳужалигида тадбиркорлик ва мустақил иш қўлтувчилардан иборат, яъни Францияда 56,2%, Швецияда 56,5%, Италияда 49,3% ни ташкил этади. Японияда эса қишлоқ ҳужалигидаги ишчи ва хизматчилар бор йўзи 9,0% ни ташкил қилади ваҳоланки бизнинг жумҳуриятимизда қишлоқ ҳужалигида банд аҳолининг қарийб 80% и фақат асосий иш билан банддир. Шунинг учун қишлоқ ҳужалигида тадбиркорлик ишларини, тижорат корхоналарини ривожлантириш лозим. Бу ривожланиш жумҳуриятдаги

6-жадвал

Ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалигидаги  
банд аҳолининг таркиби ва улуғи (1987 йил маъ-  
лумотига қура, %)<sup>I</sup>

	АҚШ	Канада	Япония	Англия	Гер- мания	Фран- ция	Ита- лия	Шве- ция
1) Ишчи ва хиз- матчилар	54,2	48,8	9,0	54,4	20,0	14,9	36,7	37,8
2) Тадбиркор ва мустақил иш критувчилар	41,3	41,9	46,4	45,6	35,5	56,2	49,3	56,5
3) Обидадаги ҳақ олмайдиган аззолари	4,5	9,5	44,6	-	44,5	28,9	14,0	5,7
Ж а м и	100	100	100	100	100	100	100	100

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам амё шаклида олди сотди қилиш эмас балки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёр ҳолда чет дав-латларга сотиш билан шугулланиш лозим. Бундан ташқари қишлоқда фермер хўжаликларини вужудга келтириш ва уни ривожлантириш давр талабидир. Ҷумҳуриятда бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҷумҳуриятда фермер хўжаликлари 1992 йил бошида 1991 йил бошига нисбатан 137,5% га ошган уларнинг ер майдони эса 108,9% га ошган, булиб уртача ер майдони 8,1 га ни ташкил этади. Шунинг учун бу соҳани янада ривожлантириш лозим.

Бизга маълумки Ҷумҳуриятдаги мавжуд ишсизларнинг 60% и қиш-лоқ жойларида яшовчи кишилар ташкил этади. Уларнинг акасарияти ёшлардан иборат. Шундай экан, ушбу ёшларни қишлоқ жойларда кичик корхоналар, қўшма ва хусусий корхоналар очиб саноатнинг турли со-ҳаларини ривожлантириш керакдир. Буни нафақат қишлоқ хўжалигида, балки халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам вужудга келтириш ке-рак. Бандликнинг янги шакллари ривожлантириш учун ҳам иқтисо-дийда кўп мўлқчиликнинг турли формаларини қўллаш бандликнинг  
I Никифонова А.А. Рынок труда: занятость и без работц. -М.: Меж-дународ.отзовения. 1991. - с.31-33.

янги формаларини вужудга келтиради. 1987 йилдан бошлаб "Кооперация тўғрисидаги" қонунга асосан аҳолининг турли қатламлари бу соҳада иш юрита бошлади. Ҳозирги кунга келиб эса қўллаб кичик корхоналар мавжуд бўлиб, уларда жами 94850 киши банддир. Агар кичик корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилсак, уларнинг энг кўп улушини халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга мулкаланган, улардаги банд кишилар 10,9% ни ташкил қилган, сотилган маҳсулот 9,0% ни ташкил этган. Лекин ачинарли ҳол шундаки, мавжуд кичик корхоналарнинг энг кўп миқдорини бошқа турдаги кичик корхоналар ташкил этиб, буларни асосан тижорат савдо ва тижорат воситачи корхоналар ташкил этади. Бундай кичик корхоналар авваломбор қишлоқ хўжалигида, саноат ишлаб чиқаришида ва социал соҳаларда ривожлантириш лозим. Бунинг натижасида банд аҳолининг янги қатлами вужудга келади ва ривожланади.

Аҳоли бандлиги самарадорлигини оширишнинг яна бир йўли бу чет эл инвестициясининг жумҳуриятга кириб келиши ва уларда банд аҳоли сонининг ўсиши билан белгиланади. Буни қўйидаги жаъвалдан ҳам кўриш мумкин. Халқ хўжалигининг бошқарув аппарати ҳамда бошқа тармоқларда ўз навбатида аҳолининг 1,7% ҳамда 4,1% банд бўлиб, бу курсаткичлар ҳам жорий йилда 5,6% ва 2,4% қисқарганлиги кўриниб турибди. Умумий ҳолда аҳоли бандлигини таркибида 1991 йилда муҳим салбий ўзгаришлар мавжуд бўлган. Ушбу йилда фақатгина қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлиги қисқарганлиги маълум бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, социал соҳадаги бандликнинг қисқариши аҳолининг социал (соҳадаги бандлик) ҳаётидаги, билим олиш маданиятида орқага кетишни билдиради. Биз ёқорида халқ хўжалигида аҳоли тақсимланишини кўриб ўтдик. Бу тақсимланишидаги умумий ўзгаришларни таҳлил қилдик. Чунки аҳоли тақсимланиш ўзгариши халқ хўжалигида банд аҳолининг сонини қисқариши деган маънони аниқлатмайди. Чунки ҳар йили аҳоли сонининг ошиши ёки ёш аҳолининг меҳнат ресурслари таркибига кириш борлиши натижасида банд аҳолининг халқ хўжалиги тармоқларида улуши ўзгариб боради.

## ХУЛОСАЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳоли бандлигининг самардорлигининг ошириш юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари қуйидаги яқуний хулосаларга олиб келди:

1. Думхуриятимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш томон тўтилган йули, бандлик таркибини ўзгартиришни талаб этади. Шундай экан, бандлик таркибини асосан қишлоқ хўжалигидан саноат ва социал соҳалар томон силжишини таъминлаш лозим.

2. Меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини ошириш учун мавжуд ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ўқитиш, қайта касбга йўллашни самарали олиб бориш керак.

3. Иқтисодиётга кўп мулкчиликнинг жорий этилиши муносабати билан турли шаклдаги мулкка асосланган корхоналарни ривожлантириш ва улардаги банд аҳолини сонини ошириш зарур.

4. Думхуриятдаги аёллар бандлиги даражасининг пастлигини ҳисобга олиб, уларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти билан шугулланишини ошириш керак. Уларни оғир меҳнат фаолиятида банд қилиш эмас балки, савдо, маиший хизмат, умумий овқатланиш, фан ва маданият соҳаларида бандлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қўрида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш маҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг самардорлигининг ўсишига олиб келади.

5. Бизнинг илмий-тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, яқин келажақда Ўзбекистон Республикасида ишсизлар сонини ўсиш ҳолати кузатилади. Ишсизлар сонининг ошиб боришига қуйидаги асосий шaroитлар ва омиллар таъсир кўрсатади:

а) Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни камайиши. Маҳсулот ишлаб чиқаришни пасайиши билан бир вақтда ишчи кучини меҳнатига бўлган талаб ҳам қисқариб боради. Агарда пулнинг қадирсизланиши ва иқтисодий инқирозни кучайишига қарши чора-тадбирлар ўз вақтида қўлланилса, асосий ишлаб чиқариш тармоқларида иш билан таъминланмаган ишловчиларнинг сони камайган бўларди. Таҳлил шуни кўрсатадики, агарда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳатми думхурият бўйича 5-10% камайса,

бу тармоқларда банд бўлган ишловчилар сони 3-5% пасайиши мумкин, яъни бу 0,5-1,2 млн. киши ишсиз қолишини билдиреди.

Шунинг учун асосий эътиборни, Ҷумҳуриятимизнинг аграрсаноат ишлаб чиқаришида иш жойларини турли хил имкониятлар ва маблағлар ҳисобига кенгайтириш чора-тадбирларини белгиламоғимиз лозим. Аҳолида ишсизлар сонини кескин ошиб кетиши иқтисодий инқирозни чуқурлашувига ва аҳолининг турмуш тарзини янада пасайишига олиб келиши мумкин.

б) Зарар келтириб ёқолият кўрсатувчи корхоналарнинг сонини кўпайиши. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Марказий банкнинг тармоқлари томонидан зарар келтириб ишловчи корхоналарга қарзлар деярли бермайди. Бундай ҳолатда уларни қисқарттириш ёки йўқотиш каби иқтисодий-ташкилий тадбирларни қўлланиши ишсизлар сонини орттиришига олиб келиши муқаррар. Бундай корхоналарни хусусийлаштириш ҳам ишчи кучи меҳнатига бўлган талабни пасайтиришга ва уни рентабеллик корхоналарга оқиб ўтишига олиб келади.

в) Хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш. Ҷумҳуриятимизда ижтимоий ишлаб чиқариш воситаларини хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш аста секинлик билан мавжуд иқтисодий, сийёсий, ижтимоий ва миллий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу жараён асосан уй-жой ва савдо корхоналарини қамраб олган. Шунингдек, халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларига ҳам хусусийлаштириш ўз таъсирини утказмоқда. Хусусий ширкатларни, фермер ҳўжаликларни ва кичик корхоналарни тузилиши истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтирсада, меҳнатга лаёқатли <sup>ишчи кучи</sup> меҳнатига бўлган талабни пасайтириб юборади ва ишсизлар армиясини тўлдириб боришга олиб келади. Хусусийлаштириш - малакаси паст ишчини меҳнат бозорига олиб борувчи асосий воситалардан бири бўлиши билан бирга юқори малакали инсоннинг иш билан банд этувчи иқтисодий омил ҳамдир.

г) Меҳнат режими, иш вақти ва кадрларни ишга жойлаштириш бўйича корхоналар ҳўкуқининг кенгайиши. Ҷумҳуриятимизда "Давлат корхоналари ҳақида" қонун қабул қилиниши уларга меҳнат режими, иш вақтини ва кадрларни танлаш каби ижтимоий масалаларни мустақил ҳал қилиш имкониятини берди. Бундай ҳолда корхоналар кам сонли ва юқори малакали ишчилар билан ёқолият кўрсатиши, ишчи

кучи меҳнатига бўлган талабни пасайтириб юбормоқда. Мазкур қонун корхоналарга ўсмирларни, ёш болалик оналарни ва ногиронларни ишга қабул қилиш мажбуриятидан озод этди (фақат Давлат квотаси бундан мустасно).

Давлатимизнинг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" қонуни эса корхоналарга мулкчилик формасидан қатъий назар ишловчиларни корхонада режаштирилган иш кунларидан ташқари ишлатишни қатъий ман этиши ҳам ишчи кучи меҳнатига бўлган талабни қисқартиришга ва тақлифни қўлайтиришга олиб келмоқда.

д) Чет давлатларнинг капитал қўйилmalarини киритилиши. Давлатимизга қўшма корхоналар, фирмалар ва уюшмаларни тузиш орқали чет эл мамлакатларининг сармояларининг киритилиши юқори малакали ишчи кучини жалб этишдан кўра кўпроқ иқтидорли мутахассисларни чиқишига олиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби, чет мамлакатларда иш ҳақини ва ишлаб чиқариш технологиясини ҳамда маданиятини юқорилиги ҳисобланади. Шунинг учун меҳнат бозоридagi ишсизлар сонини қисқартириш мақсадида чет эл технологиясини яхши ўрганиб, жумҳуриятимиздаги мавжуд қўшма корхоналарда асосан миллий мутахассисларни кўпроқ фаолият курсатишни таъминлашимиз лозим бўлади.

6. Жумҳуриятдаги меҳнат бозорига юзага келган мураккаб вазиятни ва ишчи кучи меҳнатига бўлган талаб ва тақлифнинг муносабатларини яхшилаш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга оширмоғимиз лозим:

а) Ишсиз кишиларни малакасини ошириш ва қайта касб олиши учун зарурий маблағларни етарли даражада ажратиш уларни стипендия ва нафақалар билан таъминлаш лозим. Уларни ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш асосида иш юритиш керак. Малака ошириш ва белгиланган корхоналарда ишлаш хоҳишини билдирган ишсизларга узоқ муддатли ва имтиёзли қарзлар бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

б) Меҳнатга лаёқатли юқори ёшдаги кишилар нафақасини шу қадар ошириш керакки, токми уларни иш ахтаршига моддий эҳтиёжи бўлмасин.

в) Ёш болали оналарга (оталарга) тўленадиган нафақа муддатини 3 йилгача узайтириш ва уни ҳақмини минимал иш ҳақига тенглаштириш лозим.



г) Қишлоқ хўжалигида ерви ва ишлаб чиқариш воситаларини хусусийлаштиришга эътиборни кучайтириш даркор. Қишлоқ жойларда ширкат, ижара ва фермер-деҳқон хўжаликларни ташкил этишни ҳар томонлама иқтисодий маънавий рағбатлантириш даркор. Бу ерда уй хўжалиги кичик корхоналарини тузиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми ва сифатини оширибгина қолмасдан, балки меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини ҳам оширишга олиб келади.

д) Ишсиз кишиларга имтиёзли равишда ишлаб чиқариш воситаларини, машиналарни, транспортларни ва ерларни ажратиб бериш лозим.

е) Ишсиз аҳолини шахсий меҳнат фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

ё) Корхоналарда меҳнат режимидан ва иш вақтидан фойдаланиш ҳолатларини давлат томонидан қатъан назорат қилиниши керак.

ж) Чет давлатларга ишчи кучи меҳнатини самарали чиқариш чора-тадбирларини амалга ошириш даркор.

Экспертлар баҳоси бўйича, юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш ишга жойлашиш истатини билдирганлар сони тахминан 5 фоиз камайтиришга олиб келади. Лекин, бу чора-тадбирларни амалга ошириш анча мураккаб ҳисобланади, чунки давлат бюджетидagi камомад туфайли аҳоли бандлигини ошириш социал дастурини ба-жаришга етарли маблағ ажратиш қийин бўлмоқда. Ҷумҳуриятимизнинг бозор иқтисодиётига аста-секин утиб бориши асосида миллий даромадни йилдан-йилга ўсиб бориши бу масалани ечиш имконини беради.

Қарор қабул

Босишга рухсат этилди: 14.06.93 й.

Буюртма № 82

Тиражи - 500


Ҳажми - шартли 2 б.т.

Нархи - шартномабай

---

Ўзбекистон "Билим" - 93 ротاپринтида босилди.

Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 13.



150e